# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

6 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетида министрликлар ва идоралар раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашда қурилиш материал техника базасини мустаҳкамлаш, уни янада индустрлаштириш, 1984 йилги ишга тушириладиган объектларни қуриб битказилишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг таклифларини амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. Черненко ўртага қўйган қоидалар ва хулосалар капитал қурилишни тубдан яхшилаш учун таг-заминли аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳволи, гарчи бу йил бирмунча яхшиланган бўлса-да, лекин илгаригидек жиддий ташвиш туғдиради. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва асосий фондларни ишга тушириш юзасидан белгиланган планлар бажарилмаяпти.

Янги техника ва технологияни, самарали конструкциялар ва материаллар, меҳнатни механизациялаш воситаларини кенг жорий этиш, бошқариш методларини такомиллаштириш асосида қурилишнинг техникавий ва ташкилий даражасини анча ошириш юзасидан министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдига вазифалар қўйилди.

Қурилиш ишларини ташкил этиш, қурилиш индустрияси мавжуд қувватларидан, моддий ресурслар, машина ва механизмлардан фойдаланишда камчиликларни қатъиян бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу — қурилиш самарадорлигини ошириш ва суръатларини жадаллаштиришнинг катта резервидир.

Кенгашда шу йилнинг қолган даврида тиғиз қурилиш программасини бажариш кераклиги уқтириб ўтилди. Бу эса 1984 йилги ишга тушириладиган қурилишларда куч ва воситаларни энг кўп даражада жамлашни, бевосита меҳнат коллективларида ташкилотчилик ишини кучайтиришни, ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар ва социал-маданий объектларни ишга тушириш соҳасида белгиланган топшириқлар бажарилиши учун раҳбар кадрлар масъулиятини оширишни талаб қилади.

Ижрочилик интизомини тинмай мустаҳкамлаш, ишнинг бир маромда боришини таъминлаш, пудратчи ва буюртмачи министрликлар ҳамда қурилиш барча қатнашчилари аниқ-пухта баҳамжиҳат ишлашлари зарур. Қурилишларга технология асбоб-ускуналарини ўз вақтида етказиб бериш, материал-техника таъминоти органлари ва машинасозлик министрликларининг муҳим вазифасидир.

Кенгашда министрликлар ва идоралар фаолиятини яхшилашга, шу йилги капитал қурилиш планини бажаришда уларнинг ташкилотчилик ролини оширишга ва 1985 йилда бир маромда барқарор ишлаш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиришга оид амалий тадбирлар белгиланди.

# Л. А. КОСТАНДОВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

Москваликлар 7 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Леонид Аркадьевич Костандов билан сўнгги марта видолашди.

...М. В. Фрунзе номли Совет Армияси марказий уйининг Қизил Байроқ орденли зали икки кундан буён мотам либосида. Кечаги кундагидек бугун ҳам пойтахт ва Москва областининг аҳолиси, министрликлар ва идораларнинг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари, ёшларнинг вакиллари муттасил бу ерга келиб туришибди.

Мотам маршининг садолари янграйди.

Дафн этишни уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари фахрий қоровулда турадилар.

Залга кириш тўхтатилади. Бу ерда марҳумнинг қариндошлари ва яқинлари қолади. Видолашиш пайти келди.

Дафн этишни уюштирувчи комиссия аъзолари мотам марши садолари остида марҳумнинг ҳоки солинган қутичани Совет Армияси марказий уйидан олиб чиқиб, катафалкка қўядилар. Кортеж аста-секин Қизил майдон сари йўл олади.

Л. А. Костандовнинг ҳоки солинган қутича Союзлар уйи олдида тўп лафетига қўйилади. Мотам маросимининг олдинги сафларида жуда кўп гулчамбарлар кўтариб бормоқдалар. Л. А. Костандовнинг Ватан олдидаги хизматлари тақдирланган орден ва медаллар духоба ёстиқчаларга қадалган.

...Қизил майдон. Бу майдон пойтахт меҳнаткашларининг минг-минглаб вакиллари билан гавжум.

Минбарларда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари туришибди.

Бир қанча чет мамлакатларнинг СССРдаги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Мотам маросимининг иштирокчилари В. И. Ленин Мавзолейи олдига келиб тўхтайдилар. Л. А. Костандов ҳоки солинган қутича тўп лафетидан олиниб, супачага қўйилади.

В. И. Воротников, А. А. Громико, В. И. Долгих, Е. К. Лигачев ўртоқлар, Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, дафн этишни уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан дафн этишни уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов мотам митингини очиқ деб эълон қилади.

Бутун ҳаётини совет халқига хизмат қилишга, Коммунистик партиянинг ғояларини амалга оширишга, социалистик жамиятимиз идеалларининг тантанаси учун курашга бағишлаган инсон орамиздан кетди, деди у. Л. А. Костандов мамлакатнинг химия саноатини ривожлантиришга ва химия индустрияси соҳаларига асосий илмий тадқиқотларни уюштиришга катта ҳисса қўшди ва бу соҳада инженер ҳамда саноат ташкилотчисининг ажойиб қобилиятларини ёрқин намойиш қилди. У ҳамиша химия фани ва техникаси энг янги ютуқларининг пропагандистигина бўлиб қолмай, балки уни ишлаб чиқиш ва халқ хўжалигига жорий этишда ҳам актив қатнашди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Л. А. Борисовга сўз берилади. У айтдики, Л. А. Костандовнинг самарали меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолияти уни москваликларнинг самимий иззат-ҳурматига сазовор қилди. У пойтахтда ўттиз йилдан ортиқ давлатнинг юқори лавозимларида ишлади, Москва халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берди.

Шундан кейин химия саноати министри В. В. Листов сўзга чиқди. Л. А. Костандовнинг вафоти тўғрисидаги хабар, деди у, совет химикларига оғир мусибат бўлди. Леонид Аркадьевич ўзининг бутун ҳаётини Ватан химияси хизматига бағишлади. У қарийб йигирма йил мобайнида Химия саноати министрлигига бошчилик қилди, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлган даврда ҳам бу министрликнинг ишига йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

Воскресенскдаги «Минудобрения» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Е. Петров микрофон олдига келади. Л. А. Костандовнинг давлат арбоби сифатидаги ташкилотчилик таланти партия мамлакат халқ хўжалигини химиялаштириш йўлини ўтказа бошлаган даврда жуда яққол намоён бўлди, деб айтди у.

Мотам митинги тугади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари Л. А. Костандов ҳоки солинган қутичани кўтариб, Кремль девори томон борадилар. Тўплардан салют берилиб, қутича туйнукка қўйилади ва мармар плита билан ёпилади. Бу плитага шу сўзлар ёзилган:

**Леонид Аркадьевич**
**КОСТАНДОВ**

$19\frac{27}{11}15 \qquad 19\frac{5}{9}84$

Совет Иттифоқи Давлат гимни янграйди.

(ТАСС).

# ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

## ҲОЖИАКБАР ҒУЛОМОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА



Улуғ Октябрь социалистик революциясининг муҳим ғалабаларидан бири шуки, илгари эзилган ва қолоқ бўлган халқлар фаол сиёсий ҳаёт билан бирга, илғор маданиятдан ҳам баҳраманд бўлдилар. Революция халқнинг ижодий кучларини уйғотди, халқ орасидан социалистик қурилишнинг ленинча программасини амалга оширишга муҳим ҳисса қўшган давлат арбобларининг бутун бир авлодини вужудга келтирди. Улар орасида Ўзбекистоннинг таниқли партия ва давлат арбоби Ҳожиакбар Ғуломов ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳожиакбар Ғуломов 1914 йили Тошкентда камбағал деҳқон оиласида туғилди. У отасидан жуда эрта айрилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозониши ва Туркистонда Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши ўсмирни оғир қуллик меҳнатидан қутқариб, унинг учун адолатли ва ёрқин ҳаётга йўл очиб берди. Ёш Совет ҳокимиятининг дастлабки тадбирларидан бири аҳолининг саводсизлигини тугатиш, болаларни илм олишга жалб қилиш бўлди. Ҳ. Ғуломов 1928 йили бошланғич ўрта мактабни битиргач, Самарқанд шаҳридаги педагогика техникумига ўқишга кирди. Бу ерда Ҳожиакбар Ленинчи Коммунистик ёшлар союзи сафига ўтди.

Техникумни муваффақиятли тугатганидан сўнг Ҳ. Ғуломов 1933 йили Москвадаги тарих-философия институтининг филология факультетига ўқишга юборилди. 1937 йилда Ҳ. Ғуломов касаллиги туфайли ўқишни Москвадан Тошкент педагогика институтининг тарих факультетига кўчиради ва 1939 йилда уни тугатиб, шу институтнинг ўзида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди.

Ҳожиакбар Ғуломов 1940 йили республикада «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясига ишга таклиф қилиниб, аввал адабий ходим, кейин редактор ўринбосари, 1941 йилнинг майидан эса шу газетанинг редактори бўлиб ишлай бошлайди. Шу йили Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси Ҳожиакбар Ғуломов ўзининг бутун умрини, билими ва куч-ғайратини партия ишига, Ўзбекистонда социализм қуриш ишига бағишлади. Шу йилларда у партия публицисти сифатида шаклланди. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, Ўзбекистон Компартияси раҳбарлигида Ўзбекистонни Қизил Армиянинг жанговар ва ишончли аслаҳахонасига айлантириш учун улкан иш олиб борилаётган бир пайтда Ҳ. Ғуломов меҳнат ғайрати жўш урган жойларда бўлди, сиёсий жангчи сифатида фаолият кўрсатди.

Урушнинг учинчи кунидаёқ газета саҳифаларида қатор мақолалар эълон қилиниб, уларда республика меҳнаткашлари Совет ҳукумати амалга ошираётган тадбирларни тўла қўллаб-қувватлаётганликлари, уларнинг Ватан ҳимояси учун кўкракларини қалқон қилишга тайёр эканликлари ҳикоя қилинади. Газета Совинформбюронинг жанг майдонларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотларини мунтазам бериб борди, унинг саҳифаларида ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, бутун куч-ғайратларини душманни тор-мор келтиришга қаратишга, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ғалаба ишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этувчи материаллар эълон қилинди.

Ҳожиакбар Ғуломов улкан ташкилотчилик қобилиятига эга эди. Унда чуқур ғоявий эътиқод, принципиаллик, ишчанлик ва топширилган иш учун юксак масъулият сингари фазилатлар уйғунлашиб кетган эди. У коммунистлар, меҳнаткашлар орасида ҳаққли равишда ҳурмат, эътибор қозонган эди. 1943 йили унга юксак ишонч билдирилиб, Тошкент область партия комитетининг секретари қилиб сайланди. У пойтахт область партия ташкилотининг раҳбарларидан бири сифатида меҳнаткашларни Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети VII пленуми қарорларини бажаришга сафарбар этиш юзасидан улкан ташкилий ва сиёсий ишларни олиб борди.

Маълумки, уруш йилларида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртлари, таниқли маданият ва санъат арбоблари Ўзбекистонга кўчирилган эди. Ҳожиакбар Ғуломов область партия комитетининг секретари сифатида идеология ва пропаганда масалалари билан шуғулланди.

1943—1945 йилларда Ҳ. Ғуломов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1945 йилнинг охирида Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг қарорига биноан Ҳ. Ғуломов ВКП (б) Марказий Комитети қошидаги Москва олий партия мактабига ўқишга юборилди. 1946 йилнинг охирида мактабнинг қайта тузилиши муносабати билан у янгидан ташкил этилган ВКП (б) Марказий Комитети қошидаги Ижтимоий фанлар академиясига ўтказилди. Академиянинг аспиранти сифатида Ҳ. Ғуломов маркча-ленинча назарияни, партия тарихи ва сиёсатини, партия ва давлат қурилиши масалаларини, омма орасида ташкилий ва сиёсий ишларнинг форма ва методларини чуқур ўрганди. Унинг «Ўзбекистон большевиклари Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши даврида (1941-1945 йиллар)» деган мавзуда ёқлаган кандидатлик диссертацияси муносиб баҳо олди.

Моҳир публицист, олим Ҳ. Ғуломов марксизм-ленинизм классиклари асарларини, ВКП (б) ва Ўзбекистон Компартияси ҳужжатларини чуқур ўрганди. У шу материалларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Компартиясининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги улкан ташкилий ва сиёсий ишини илмий позициядан туриб ёритди. Илмий ишда республика Компартияси хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини қай даражада такомиллаштира борганини, ички партиявий ишларни яхшилаганлигини, айни пайтда ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг жанговарлигини оширишга қандай эришганлигини тўлақонли ёритишга муваффақ бўлди.

Ҳ. Ғуломов 1949 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири қилиб тайинланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг матбуот органига раҳбар бўлган Ҳ. Ғуломов газета коллективини партия томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этди.

50-йилларнинг бошларида Ҳ. Ғуломовнинг «Ўзбекистон коммунистлари Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши даврида» деган монографияси босилиб чиқди, шунингдек, вақтли матбуотда шу мавзуда қатор мақолалари эълон қилинди. Экономикани ривожлантириш, идеология ва маданият масалаларига бағишланган қатор мақолалар ҳам Ҳ. Ғуломов қаламига мансубдир.

1953 йили Ҳожиакбар Ғуломов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлимининг мудири қилиб тайинланди, 1954 йилнинг февралида Ўзбекистон Компартияси XII съездида у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, шу йилнинг июль ойида эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди. Бу юксак ва масъул лавозимда унинг ташкилотчилик қобилияти янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Республика партия ташкилотининг раҳбарларидан бири сифатида Ҳ. Ғуломов бутун кучи ва билимини партиямиз Марказий Комитети сиёсий йўлини амалга оширишга, Ўзбекистон Компартияси XII съездининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга қаратди. Ўзбекистон партия ташкилоти съезд кўрсатмаларига амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни яхшилади, саноатни ривожлантириш соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Қатор янги корхоналар ишга туширилди. Қишлоқ хўжалиги ривожланди. Кейинги йилларда бу соҳада ва айниқса идеология соҳасида анча ютуқларга эришилганлиги Ўзбекистон Компартиясининг XIII съездида қайд этиб ўтилди. Ана шу ютуқларга эришишда Ҳ. Ғуломов муносиб ҳисса қўшди.

Ҳожиакбар Ғуломов улкан ижтимоий-сиёсий иш ҳам олиб борди. Ўзбекистон Компартиясининг XII ва XIII съездларида у Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланди, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди. Ҳ. Ғуломов қисқа, аммо ёрқин ва мазмунли ҳаёт кечирди, ўзининг бутун куч-ғайратини ва билимини партия идеалларини ҳаётга татбиқ этишга бағишлади. Партия ва Совет давлати унинг меҳнатини юксак баҳоладилар. Ҳ. Ғуломов Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари, кўплаб медаллар ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Бугун унинг 70 ёшга тўлган кунида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейи йилида республикамиз меҳнаткашлари партия ва халқнинг содиқ фарзанди Ҳожиакбар Ғуломов номини ҳурмат ва эҳтиром билан хотирлайдилар.

**Ш. ЗИЁМОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

**ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## Э. ХОНЕККЕРНИНГ ГФРГА ВИЗИТИ КЕЧИКТИРИЛДИ

БЕРЛИН. (ТАСС). ГДРнинг ГФРдаги доимий ваколатхонаси раҳбари Э. Мольдт ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккернинг ГФРга визити кечиктирилганлиги тўғрисида баёнот берди. Шу баёнот хусусида АДН агентлигининг Бонндан берган хабари ГДР матбуотида эълон қилинди.

## ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

БЕРЛИН. (ТАСС). Инсоният олдида турган вазифаларни ҳал этишда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатини кўзлаб реализм ва амалий баҳамжиҳат ҳаракат сиёсатига ўтиш зарур. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари буни янги куч билан тасдиқлади, деди ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Миттаг.

АҚШ ва НАТОнинг агрессив доиралари деди у, иккинчи жаҳон уруши ва Европада урушдан кейинги жойлашиш натижаларини қайта кўриб чиқишга уриниб, коммунизмга қарши «салб юриши»га даъват этмоқдалар, қуролланиш пойгасини авж олдириб, космик фазони ҳарбийлаштириш режаларини тузмоқдалар. Империализмнинг авантюрачиликдан иборат режаларида ГФРда реваншизмни авж олдириш, ўнг кучларни активлаштириш кўзда тутилмоқда.

ГДР Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан абадий боғланган. Республика меҳнаткашлари ядровий ҳалокатнинг олдини олиш учун, қардош давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилишга азму қарор берганлар. ГДР тинчлик ва социализмни мустаҳкамлашга бундан буён ҳам таъсирчан ҳисса қўша беради, деб таъкидлади Г. Миттаг.

## ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг вакили хабар қилишича, кейинги 48 соат мобайнида Эрон-Ироқ фронтининг бутун чизиғи бўйлаб жанг ҳаракатлари давом этган. Басрадан шарқдаги районда, марказий ва шимолий участкаларда ҳамда Майсан секторида бўлиб ўтган жангларда пиёда аскарларнинг бўлинмалари, танклар, бронетранспортёрлар ва артиллерия қатнашган. Ироқнинг илғор қисмлари душманнинг жанговар позициялари, штаблари ва коммуникацияларига зарбалар уришган. Ироқ ҳарбий ҳаво кучларининг вертолётлари Эрон қўшинлари тўпланиб турган районларни бомбардимон қилиб, ракеталар ёғдирган, уларнинг аскарлари ва техникасига талафотлар етказган.

Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Басра шаҳрини тўпга тутди, бу шаҳарда иморатлар вайрон бўлди.

Эрон—Ироқ уруши бошланганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан Ироқ ҳарбий денгиз кучлари ва қирғоқ соқчилиги қўмондони Бағдодда чиқадиган «Ас-Савра» газетаси мухбири билан суҳбатда ўтган тўрт йил мобайнида Эроннинг денгизда талафот берган кемалари 180 тадан ошиб кетганлигини айтди. Бундан ташқари, деди у, денгизда ва қирғоқда Эрон объектларига кучли зарбалар берилди.

Ҳарбий денгиз кучлари қўмондони Ироқ Эроннинг нефть қуядиган порти жойлашган Харк оролини қамал қилишни бекор этиш ниятида эмаслигини таъкидлади.

НИКОСИЯ. (ТАСС). Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги жанглар бораётган райондан хабар қилишича, Эрон қўшинлари фронтининг ғарбий ва шимоли-ғарбий участкаларида душманга қарши ҳужум қилган. Ироқ томони ўлдирилган ва жароҳатланган неча ўнлаб кишисидан жудо бўлган. Эроннинг артиллерия батареялари Ироқнинг пана жойларига, омборларига ва бошқа ҳарбий объектларига зарбалар урган.

Ироқ артиллерияси Ободон шаҳрини яна тўпга тутди.

ҚОҲИРА. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг раиси Абдул Раҳмон аш-Шарқавий, шу ташкилотнинг бош секретари Нури Абдул Раззоқ, Миср миллий прогрессив (сўл) партиясининг бош секретари Холид Моҳиддин, Мисрнинг собиқ ташқи ишлар министри Мурод Ғолиб имзолаган ва бу ерда тарқатилган баёнотда қайд этиб ўтиладики, Эрон билан Ироқ жалб этилган уруш иккала халқнинг манфаатларига хизмат қилмайди, ҳар иккала мамлакатнинг моддий ва одам ресурсларини камайтиради, бутун кенг Яқин Шарқ регионига хавф солади.




**Франция меҳнаткашлари пўлат қуюш саноатини қайта тузиш планини рад этмоқдалар. Чунки, бу план мамлакатда шу саноатни тугатишни кўзда тутади. Нантердаги пўлат қуюш заводини ёпиш ҳақидаги маъмурият қарорига қарши норозилик белгиси остида ишчилар корхонани эгаллаб олдилар. Маъмурларнинг ишчиларни бу ердан ҳайдаб юбориш учун барча уринишлари беҳуда кетди. Меҳнаткашлар маъмуриятни музокаралар олиб боришга мажбур қилдилар. «Юманите» газетасидан олинган ушбу суратда ишчилар корхона территориясида митинг ўтказаётган пайт тасвирланган.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

**● СТОКГОЛЬМ.** Швециядаги энг катта порт — Гетеборг порт ишчилари касаба союзи швед меҳнаткашларининг иш ташлаган Британия докерлари ва шахтёрлари билан бирдамлиги белгиси юзасидан Буюк Британия байроғи остида сузувчи барча транспорт кемаларида юк ортиш тушириш ишларини бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилди.

**● ЛИССАБОН.** Португалиядаги энг катта кемасозлик корхоналаридан бири «Лижнави» меҳнаткашлари 24 соатлик забастовка ўтказдилар. Улар бир неча ойдан буён тўланмаётган иш ҳақи тўланишини, шунингдек иш билан банд бўлиш гарантияланишини талаб қилдилар.

**● ПАНАМА.** Панамадаги энг йирик савдо кампанияларидан бири «Маспорменос» ишчилари ва хизматчилари иш ташлаганликларини эълон қилдилар. Улар маъмурият қонунга хилоф равишда ишдан бўшатган касаба союз ташкилоти активларининг ишга тикланишларини, меҳнат шароитлари яхшиланишини ва иш ҳақи оширилишини талаб этмоқдалар.

(ТАСС).

## ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Шимолий Ирландияда вазият яна ғоят кескинлашди. Шимолий Ирландиянинг Ньюири шаҳридаги гавжум кўчаларнинг бирида қўйилган кучли заряд портлаш натижасида 70 дан зиёд киши оғир жароҳатланди. Шу кўчадаги биноларга талайгина моддий зиён етказилди.

Лондоннинг «бевосита бошқаруви» жорий этилгандан буён Ольстерда жами сал кам икки ярим минг киши террорчилик хуружларининг, сиёсий қотилликларнинг, полициячилар ўзбошимчалигининг қурбонлари бўлди.

## КАНАДАДА САЙЛОВ

ОТТАВА. (ТАСС). Канада прогрессив-консерваторлар партияси парламент сайловида ғалаба қозонди. Бу партия мамлакатнинг қонун чиқарувчи органида 282 ўриннинг 211 тасини олди. Ҳокимият тепасида турган либераллар партияси эндиликда жамоат палатасида атиги 40 депутатга, янги демократик партия 30 депутатга эгадир. Мустақил депутат 1 ўрин олди (1980 йилда ўтказилган сайловда либераллар жамоа палатасида 147 ўринни, консерваторлар 102, янги демократик партия эса 31 ўринни эгаллаган эди).

Консерваторларнинг ғалабаси Канада сайловчиларининг кайфиятларида ўнг томонга бурилиш содир бўлганлигидан далолат бермайди. Сайлов натижалари, аввало либералларнинг сиёсатидан канадаликларнинг ҳафсаласи пир бўлиб қолганлигини кўрсатади. Сайловчиларнинг ғоят кўпчилиги мамлакатдаги иккита энг йирик буржуа партияларининг сайловолди программаларида муҳим тафовутлар йўқлигини билиб олди. Либераллар каби консерваторлар ҳам хусусан ёшлар ўртасида оммавий ишсизликни қисқартирамиз, медицина хизматини яхшилашга, пенсионерларнинг оғир қисматини енгиллаштиришга ҳаракат қиламиз, деб ваъда бердилар.

# ВАШИНГТОН МЕТОДЛАРИ

КОБУЛ. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари ва унинг гумашталари Апрель революциясининг тарихий ғалабаларига путур етказишга, демократик Афғонистоннинг социал-иқтисодий ривожланиш жараёнини тўхтатиб ва орқага буриб юборишга интилмоқдалар. Вашингтон бу мақсадга эришиш учун энг разил методлардан фойдаланмоқда ва ҳатто аксилинқилобчи газандаларни ваҳшиёна химиявий қурол билан ҳам таъминламоқда. Босмачилар бу қуролни тинч афғон халқига қарши ишлатмоқдалар. Бахтар агентлигининг эълон қилинган шарҳларида бундай дейилган: 1981 йилда Ҳирот вилоятида босмачи шайкаларининг биридан ўлжа қилинган гранаталар ичига заҳарловчи моддалар солинган эди. Душманлар 1982 йилда чет элдан келтирилган ғоят заҳарли химиявий моддаларни Кобулдаги қизлар мактабининг ҳовузига ташлаганлар. Бунинг натижасида 100 га яқин қиз заҳарланган, улардан 14 киши ўлган. 1983 йилнинг бошида Ғазна вилоятида босмачиларнинг Америкада ишлаб чиқарилган химиявий миналари ва кўздан ёш оқизувчи газ солинган идишлари қўлга туширилди. 1983 йилнинг 2 мартида Кобулда ўтказилган матбуот конференциясида асир олинган Мир Ҳамза ўз шайкаси химиявий қуролни АҚШдан олиб турганлигини чет эл журналистларига батафсил сўзлаб берди, бу қурол нимадан иборат эканлигини ва уни ишлатиш тўғрисида америкалик мутахассисдан қандай йўл-йўриқ олинганлигини айтди.

Бахтар агентлигининг таъкидлаб ўтишича, АДР хавфсизлик органлари шу йил ёз фаслида Парван вилоятида диверсия қилиш ҳақидаги топшириқ билан Кобулга қараб йўл олган босмачини ушлаганлар. Босмачининг ёнидан шу қадар кўп миқдорда калий цианид топилдики, у катта бир шаҳар аҳолисини заҳарлаш учун кифоя қилар эди.

Агентлик ҳозирги вақтда Афғонистонда босмачиларнинг химиявий қуролни кўплаб ишлатиш хавфи пайдо бўлганлиги сабабли бу фактларни афғон халқига ва бошқа халқларга эслатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Яқинда ҳукумат томонига ўтган собиқ аксилинқилобчиларнинг айтишича, бу йил АҚШдан ва бошқа баъзи мамлакатлардан Покистон орқали душманларга етказиб берилган ўқ-дорилар орасида химиявий снаряд, мина ва гранаталар ҳам кўп. Аксилинқилобчиларнинг яна маълум қилишича, халқ ҳокимияти органларининг вакилларига ва ҳукумат қўшинларига қарши, шунингдек тинч аҳолига қарши диверсия хуружларини уюштириш вақтида шу қуроллардан кенг фойдаланиш режалари ишлаб чиқилган.

Маълумки, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги, Американинг махсус хизмат маҳкамалари афғон армияси ва совет қўшинларининг АДРдаги чекланган қисмлари граждан аҳолига қарши химиявий қуролдан фойдаланаётганлиги тўғрисида «рад этиб бўлмайдиган далиллар» тўқиш учун бундай режаларни тузиб чиққанлар. Бундай пропаганда диверсияларидан кузатилган мақсад — халқимиз назарида ва жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари назарида АДРдаги халқ ҳокимиятининг ва совет дўстларимизнинг обрўйини тўкишдан иборат. Агентлик Покистонда жойлашиб олган аксилинқилобий ташкилотларнинг бошлиқлари америкалик хўжайинларининг ана шу разил ниятларини бажонидил амалга ошира бошлаганлигини ва Афғонистонда иш олиб бораётган босмачи гуруҳларга тегишли кўрсатмалар берганлигини уқтириб ўтади.

Бахтар агентлиги ўз шарҳларининг охирида афғон халқига, барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларга мурожаат қилиб, уларни Америка империализми ва унинг гумашталари тузаётган режаларга зарба беришга, контрреволюциянинг кирдикорларини барбод этишга чақиради.

